

**KATTAQO'RG'ON TUMANLARARO
IQTISODIY SUDI**

Kattaqo'rg'on tumani, Kadan qo'rg'oni,
Mustaqillik ko'chasi, 33-uy



**KATTAKURGAN INTER-DISTRICT
ECONOMIC COURT**

33, Mustaqillik street, Kadan township,
Kattakurgan district

Тел: (0-366) 414-31-19,

e-mail: i.kattaqurgon@sud.uz

**Ўзбекистон Республикаси номидан
Хал қилув қарори**

2022 йил 28 октябрь

Каттақўрғон тумани

4-1402-2202/2235-сонли иш

Каттақўрғон туманлараро иқтисодий судининг судьяси М.Тоғаев раислигида, судья ёрдамчиси Ж.Сагдуллаевнинг суд мажлиси котиблигида аризачи САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ДАВЛАТ СОЛИҚ БОШҚАРМАСИнинг жавобгар ААА фермер хўжалигига нисбатан банк ҳисоб-варағи бўйича операцияларини тўхтатиш тўғрисидаги аризаси асосида қўзғатилган иқтисодий ишни, Каттақўрғон туман ДСИ биносида, очиқ сайёр суд мажлиси муҳокамасида, аризачи вакили Қ.Истамқулов (ишончнома асосида) иштирокида кўриб чиқиб, суд қуйидагиларни,-

АНИҚЛАДИ:

Аризачи САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ДАВЛАТ СОЛИҚ БОШҚАРМАСИ Каттақўрғон туманлараро иқтисодий судига жавобгар ААА фермер хўжалигига нисбатан ариза билан муурожаат қилиб, ариза талабида жавобгар томонидан 2022 йил август ойи учун қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ ҳисоботини тақдим этмагани боис, суддан жавобгарнинг хизмат кўрсатувчи тижорат банкидаги ҳисоб-варағи бўйича банк операцияларини тўхтатишни сўраган.

Суд мажлисида иштирок этган аризачи вакили судга маълумотнома тақдим этиб, жавобгар суд муҳокамаси кунига қадар тегишли ҳисоботларини тақдим этмагани боис, суддан аризани тўлиқ қаноатлантиришни сўради.

Тегишли тартибда хабардор қилинган жавобгар суд мажлисига вакил иштирокини таъминламади. Суд ишни Ўзбекистон Республикаси ИПҚнинг 220-моддасига асосан, жавобгар иштирокисиз мавжуд ҳужжатлар асосида кўриб чиқишни лозим деб топди.

Суд аризачи вакилининг важларини тинглаб, ишдаги ҳужжатларга ҳуқуқий баҳо берган ҳолда қуйидагиларга кўра аризани қаноатлантиришни лозим топди.

Жавобгар ААА фермер хўжалиги томонидан 2022 йил август ойи учун қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ ҳисоботини белгиланган муддатда тақдим этмаган.

ДСБ томонидан жавобгар ААА фермер хўжалиги 10 кун муддат ичида ҳисобот тақдим этиш тўғрисида огоҳлантирилиб, 2022 йил 21 сентябрь куни шахсий кабинетига хабарнома юборилган.

Бироқ, солиқ тўловчи томонидан ушбу хабарнома эътиборсиз қолдирилиб, тегишли ҳисоботларини ДСБга тақдим этмаган.

Шундан сўнг, ДСБнинг 2022 йил 06 октябрь кундаги қарори билан жавобгар ААА фермер хўжалигининг тижорат банкларидаги ҳисоб-варақлари бўйича операциялари 10 кун муддатга тўхтатилган ва ушбу қарор солиқ тўловчининг шахсий кабинетига ҳамда хизмат кўрсатувчи тижорат банкига юборилган.

Аризачи томонидан судга тақдим этилган 2022 йил 28 октябрдаги маълумотномага кўра, солиқ тўловчи бугунги кунга қадар белгиланган солиқ ҳисоботларини инспекцияга тақдим этмаган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 82-моддасида, солиқ ҳисоботи солиқ тўловчи ҳисобга олинган жойдаги солиқ органига белгиланган шаклда қоғоз ёки электрон шаклда ушбу Кодексга мувофиқ солиқ ҳисоботига илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар билан бирга тақдим этилиши белгиланган.

Ушбу кодекснинг 273-моддасига биноан, солиқ тўловчилар, агар ушбу бобда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ ҳисоботини ўзлари солиқ ҳисобида турган жойдаги солиқ органларига ўтган солиқ давридан кейинги ойнинг йигирманчи кунидан



кечиктирилмаган муддатда тақдим этишлари шарт. 111-моддаси 1-қисмига асосан, Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан ўн кундан кўп бўлмаган муддатга қабул қилиниши мумкин. Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг илтимосномасига асосан суд томонидан қабул қилиниши мумкин. Бунда солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банк ҳисобварақлари бўйича операциялари суд томонидан қарор қабул қилингунга қадар тўхтатиб турилади.

Ўзбекистон Республикаси ИПКнинг 217-моддасига асосан банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш, ҳуқуқий таъсир чораларига киради.

Ўзбекистон Республикасининг 07.01.2020 йилдаги “Давлат божи тўғрисида”ги Қонуннинг 9-моддаси 17-бандида, аризачи ва жавобгар - ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича давлат божи тўловидан озод қилинган.

Ўзбекистон Республикаси ИПКнинг 118-моддаси 2-қисмига асосан, Ҳал қилув қарори ўз фойдасига чиқарилган тарафга иш бўйича қилинган барча суд харажатларининг ўрни, гарчи бошқа тараф давлат божини тўлашдан озод этилган бўлса ҳам ушбу бошқа тараф ҳисобидан қопланади.

Юқоридагиларни инобатга олиб, суд аризани қаноатлантиришни, жавобгар ААА фермер хўжалигининг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларини бюджет тўловлари ва иш ҳақидан ташқари бошқа чиқим ҳаракати жавобгар томонидан солиқ ҳисоботи САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ДАВЛАТ СОЛИҚ БОШҚАРМАСИга тақдим этилгунга қадар тўхтатишни, тарафлардан давлат божи ва суд харажатларини ундирмасликни лозим деб топди.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 82, 111, 273-моддаси ва Иқтисодий процессуал кодексининг 113, 118, 176-180, 186-моддаларига асосланиб, суд

Қ А Р О Р К И Л Д И:

Аризачи САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ДАВЛАТ СОЛИҚ БОШҚАРМАСИнинг, жавобгар ААА фермер хўжалигига нисбатан берган аризаси қаноатлантирилсин.

Жавобгар ААА фермер хўжалигининг банкдаги асосий ва барча ҳисоб-рақамлари ҳаракатини бюджет тўловлари ва иш ҳақидан ташқари бошқа чиқим ҳаракати жавобгар ААА фермер хўжалигитомонидан камчиликларни бартараф этганлиги тўғрисидаги маълумотни САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ДАВЛАТ СОЛИҚ БОШҚАРМАСИга тақдим этгунга қадар тўхтатилсин.

ААА фермер хўжалигига хизмат кўрсатувчи барча банклар ҳисоб-рақамлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйишга сабаб бўлган ҳолатлар жавобгар томонидан тўлиқ бартараф этилганидан сўнг, давлат солиқ хизмати органи томонидан тақдим этиладиган ёзма кўрсатмаси (қарори) асосида ҳисоб варақлар бўйича операциялар тиклансин.

Тарафлардан давлат божи ва суд харажатлари ундирилмаслик инобатга олинсин.

Ҳал қилув қароридан норози бўлган томон ўн кун муддат ичида Каттақўрғон туманлараро иқтисодий суди орқали Самарқанд вилоят судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят беришга (протест келтириш) ҳақли.

Судья

М.Тоғаев

